# Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф битирувчиси олимпиадада иштирок этиб, 2 та университетнинг 44 миллион сўмлик гранд соҳибаси бўлди

Ўзбекистон туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф битирувчиси Фарангиз Ғофурхонова Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги томонидан ўтказилган олимпиадада иштирок этди.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олувчи ўқувчи ёшлар ўртасида ташкилланган “STEAM” фанлари олимпиадасида биология фани бўйича ўз билим даражасини синаган Фарангиз республика босқичида 2-ўринни эгаллади.

Пойтахт Тошкентда ўтказилган олимпиада ғолибларини тақдирлаш маросимида эса ёш билимдон қизга агентликнинг қимматбаҳо совғалари билан биргаликда, “Alfraganus University” нодавлат олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича 25 миллион сўмлик, “Perfect University” номли хусусий олийгоҳ томонидан эса 19 миллион сўмлик гранд ваучерлари тақдим этилди.






2023-06-22 20:13:24